

Росуллоҳнинг вафотлари ҳақида келган ҳадислар баёни.

﴿باب ما جاء في وفاة رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

[الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча]

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿باب ما جاء في وفاة رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين، والصلاة والسلام على سيدنا محمد، وعلى آله وصحبه أجمعين

أما بعد:

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вабаракотуҳ! Ҳурматли ва азиз мўъмин биродарлар бу "шамоили муҳаммадия" китобидан ўттиз учинчи дарсимиз бўлиб, бу дарсимизда Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотлари ҳақида келган бобнинг ҳадислари билан танишамиз иншааллоҳ!

(54) باب ما جاء في وفاة رسول الله

وفيه (14) حديثا

Росуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларини баён этувчи боб. Бу бобда ўн тўрта ҳадис ривоят қилинади.

385 - حدثنا أبو عمار الحسين بن حريث وقتيبة بن سعيد وغير واحد قالوا ثنا سفيان بن عيينة عن الزهري عن أنس بن مالك قال آخر نظرة نظرتها إلى رسول الله كشف الستارة يوم الاثنين فنظرت إلى وجهه كأنه ورقة مصحف والناس يصلون خلف أبي بكر فكاد الناس أن يضطربوا فأشار إلى الناس أن اثبتوا وأبو بكر يؤمهم وألقي السجف وتوفي رسول الله من آخر ذلك اليوم

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Охирги марта Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганим душанба куни эди, уйларининг пардасини очиб бизларга қараган эдилар. Шунда юзларига қарасам гўё юзлари мусҳафнинг саҳифасига ўхшар эди. Одамлар Абу Бакрнинг орқасида унга иқтидо қилиб, намоз ўқиётган эдилар. Намозларида безовталана бошладилар. Пайғамбар алайҳиссалом одамларга ўринларингдан қимирламанглар! -деган ишора қилдилар. Абу Бакр жамоатга имом эдилар. Кейин эса пардани туширдилар. Ва анашу куннинг охирида вафот қилдилар".

386 - حدثنا حميد بن مسعدة البصري ثنا سليم بن أخضر عن ابن عون عن إبراهيم عن الأسود عن عائشة قالت كنت مسندة النبي إلى صدري أو قالت إلى حجري فدعا بطست لبيول فيه ثم بال فمات رسول الله

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом бошларини кўкрагимга ёки қўйнимга қўйиб ётган эдилар. Бавл қилиш учун бир идиш олиб келишларини талаб қилдилар. Кейин ўша идишга бавл қилиб, сўнг вафот қилдилар".

387 - حدثنا قتيبة ثنا الليث عن ابن الهاد عن موسى بن سرجس عن القاسم بن محمد عن عائشة أنها قالت رأيت رسول الله وهو بالموت وعنده قدح فيه ماء وهو يدخل يده في القدح ثم يمسح وجهه بالماء ثم يقول اللهم اعني على منكرات أو قال على سكرات الموت

Оиша онамиздан ривоят қилинади, айтадиларки: "Мен Пайғамбар алайҳиссаломни ўлим вақтларида шоҳид бўлган эдим. У зотнинг олдиларида бир қадаҳда сув бор эди, қўлларини шу қадаҳдаги сувга ботириб, кейин қўлларини юзларига суртар эдилар. Кейин эса Эй! Парвардигоро! Мени ўлим қийинчилигига – *ровий шак қилиб ёки*- ўлим сакаротларига ўзинг бардош қилдиргин! –дер" эдилар.

388 - حدثنا الحسن بن الصباح البزاز ثنا مبشر بن إسماعيل عن عبد الرحمن بن العلاء عن أبيه عن ابن عمر عن عائشة قالت لا أغبط أحدا بهون موت بعد الذي رأيت من شدة موت رسول الله قال أبو عيسى سألت أبا زرعة فقلت له من عبد الرحمن بن العلاء هذا فقال هو عبد الرحمن بن العلاء بن اللجلاج

Ибн Умар, Оиша онамиздан ривоят қиладилар, Оиша онамиз айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссаломдаги ўлим сакаротларини кўрганимдан кейин, энди ўлимни ҳеч кимга осон! -деб билмайман".
Абу исо Термизий айтадиларки: "Абу зуръадан Абдурраҳмон ибн Ало ким?- деб сўрасам, у Абдурраҳмон ибн Ало ибн Ал-Ллажжаж –деди".

Изоҳ: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, агар касал бўлсалар ҳам, бошқалардан икки баробар оғир касал бўлар эдилар. Бир марта ҳаста бўлиб қолганларида, Саҳобалардан бири у зотнинг қўлларидан ушлаб, у кишидаги истиманинг қаттиқлигидан таажубланади. Шунда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, мен сизлардан икки кишига бериладиган касаллик билан бетобланаман! -дедилар. Ҳа! Оллоҳ таолонинг суйган бандаси, манашундай оғир касал бўлар эдилар. Бу ҳам бўлса у зотнинг ажр-савобларини кўпайтириб, даражаларини баланд қилиш учундир. Ўлимлари ҳам худди шундай оғир бўлган эди. Мулла Али қори айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссаломга ўлимни оғир бўлиши ҳам у зотнинг даражаларини кўтариш ва ажрларини кўпайтириш учундир".

389 - حدثنا أبو كريب محمد بن العلاء ثنا أبو معاوية عن عبد الرحمن بن أبي بكر هو ابن المليكي عن ابن أبي مليكة عن عائشة قالت لما قبض رسول الله اختلفوا في دفنه فقال أبو بكر سمعت من رسول الله شيئاً ما نسيته قال ما قبض الله نبياً إلا في الموضع الذي يجب أن يدفن فيه ادفنوه في موضع فراشه

Яна Оиша онамиздан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилганларида у кишини дафн қилишда ихтилофлашиб қолишдилар. Шунда Абу Бакр айтдиларки: "Мен Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан бир нарса эшитганман ҳанузгача унитганим йўқ! айтган эдиларки: "Оллоҳ таоло қайсики Пайғамбарни жонини олган бўлса, албатта у Пайғамбар дафн қилинмоқликни хоҳлаган ерда, жонини олган". Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам шу ётган тўшақлари ўрнига дафн қилингллар!".

390 - حدثنا محمد بن بشار وعباس العنبري وسوار بن عبد الله وغير واحد قالوا أنا يحيى بن سعيد عن سفیان الثوري عن موسى بن أبي عائشة عن عبيد الله بن عبد الله عن ابن عباس وعائشة رضي الله عنهم أن أبا بكر قبل النبي بعد ما مات

Ибн Аббос ва Оиша розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинади, айтадиларки: "Абу Бакр розияллоҳу анҳу Пайғамбар алайҳиссаломни вафот қилганларидан кейин пешоналаридан ўпган эдилар".

391 - حدثنا نصر بن علي الجهضمي ثنا مرحوم بن عبد العزيز العطار عن ابن عمران الجوني عن

يزيد بن بآبنوس عن عائشة أن أبا بكر رضي الله عنهما دخل على النبي بعد وفاته فوضع فمه بين

عينيه ووضع يديه على ساعديه وقال وانبياه واصفياه واخليلاه

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом вафот қилганларидан кейин Абу Бакр розияллоҳу анҳу у зотнинг олдиларига кириб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг билакларидан ушлаб, пешоналарига лабларини қўйиб ўпдилар. Кейин эй пайғамбарим, эй софийим, эй халилим! –дедилар".

Изоҳ: Софий деб араб тилида дўстликнинг бир поғонасига айтилади, халил эса дўстликнинг ундан ҳам баланд поғонасидур. Гўё софий деб яқин дўстга айтилса, халил деб жуда яқин дўстга, дўстлигида ҳеч қандай халал ҳатто қил ҳам бўлмаган кишига айтилади.

392 - حدثنا بشر بن هلال الصواف البصري ثنا جعفر بن سليمان عن ثابت عن أنس قال لما كان

اليوم الذي دخل فيه رسول الله المدينة أضاء منها كل شيء فلما كان اليوم الذي مات فيه أظلم منها

كل شيء وما نفضنا أيدينا من التراب وأنا لفي دفنه حتى أنكرنا قلوبنا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида, Мадинанинг ҳамма ери нурафшон бўлиб кетган эди. Вафот қилганларида эса, ҳамма ер қоронғу-зимистонга айланди. У зот устиларига тупроқ тўкиб, ҳали қўлларимизни тупроқ чангидан қоқмай туриб, балки дафн маросимини тугатишга улгурмаган ҳам эдикки, қалбларимизни инкор қила бошладик".

Изоҳ: Қалбларимизни инкор қила бошладик дейишларидан мақсад, яъни иймон қуввати аввалгига нисбатан заифлаша бошлади деганларидир. Лекин Пайғамбарнинг тириклигида ўзидан тарбия олган зотлар, албатта у зотни кўрмаганлар билан баробар эмаслар. Шунингдек уларни мақтаб Оллоҳ таоло қуръони каримда қиёматгача ўқиладиган оятлар нозил қилди. Ва ўша оятларда улардан розилигини ҳам баён қилди. Муҳаддис уламолар ҳадисни саҳиҳ –қабул қилинадиган ва унга амал қилиш лозим, ёки заиф –қабул қилинмайдиган ва унга амал ҳам қилиш мумкин бўлмаган турларга ажратилишда, ҳадис иснодининг ҳар бир табақасидаги ровийларнинг таржимаи ҳолларини, ёдлаш ва заковат қобилиятларини, ҳамда диндаги тақво даражаларини текшириб чиқишга мажбур бўладилар. Лекин бу борада саҳобаларнинг таржимаи ҳолларини текширмайдилар ва айтадиларки: "Улар Оллоҳ таолонинг шаҳодати ила адолатли шахслардирлар, улардан динда ёлгон содир бўлиши мумкин эмас".

393 - حدثنا محمد بن حاتم ثنا عامر بن صالح عن هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة قالت توفي

رسول الله يوم الاثنين

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом душанба куни вафот қилган эдилар".

394 - حدثنا محمد بن أبي عمر ثنا سفیان بن عيينة عن جعفر بن محمد عن أبيه قال قبض رسول

الله يوم الاثنين فمكث ذلك اليوم وليلة الثلاثاء ودفن من الليل وقال سفیان وغيره يسمع صوت

المساحي من آخر الليل

Жаъфар ибн Муҳаммад оталаридан ривоят қиладилар, оталари айтадиларки: "Росуллоғ саллаллоғу алайҳи васаллам душанба куни вафот этиб, ўша куни ҳам, эртага сешанба деган куни ҳам дафн қилинмадилар, кейин ўша куннинг кечасида дафн қилиндилар". Суфён ва яна бошқалар айтадиларки: "Кечанинг охирида куракларнинг овози эшитилиб турарди".

395 - حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا عبد العزيز بن محمد عن شريك بن عبد الله بن أبي نمر عن أبي

نمر عن أبي سلمة بن عبد الرحمن بن عوف قال توفي رسول الله يوم الاثنين ودفن يوم الثلاثاء قال

أبو عيسى هذا حديث غريب

Абдуррахмон ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росуллоғ саллаллоғу алайҳи васаллам душанба куни вафот қилиб, сешанба куни дафн қилиндилар".

Абу Ийсо Термизий, бу ҳадис ғарибдир.-дейдилар.

Изоҳ: Ғариб калимаси мусталаҳ илмига оид атама бўлиб, маъноси ҳадис санадининг қайсидир табақасида, аввали ёки ўртаси ёки охирида битта ровий ёлғиз ўзи ривоят қилган бўлишидир. Уламолар айтадиларки: "Ҳадиснинг ғариб бўлишидан ҳадиснинг заифлиги келиб чиқмайди. Лекин аксар ҳолларда ғариблар бошқа сабабларга кўра заиф бўлиб чиқадилар".

396 - حدثنا نصر بن علي الجهضمي أنا عبد الله بن داود قال ثنا سلمة بن نبيط أخبرنا عن نعيم بن أبي هند عن نبيط بن شريط عن سالم بن عبيد وكانت له صحبة قال أغمي على رسول الله في مرضه فأفاق فقال حضرت الصلاة فقالوا نعم فقال مروا بلالا فليؤذن ومروا أبا بكر فليصل للناس أو قال بالناس قال ثم أغمي عليه فأفاق فقال حضرت الصلاة فقالوا نعم فقال مروا بلالاً فليؤذن ومروا أبا بكر فليصل بالناس فقالت عائشة إن أبي رجل أسيف إذا قام ذلك المقام بكى فلا يستطيع فلو أمرت غيره قال ثم أغمي عليه فأفاق فقال مروا بلالاً فليؤذن ومروا أبا بكر فليصل بالناس فإنكن صواحب أو صواحبات يوسف قال فامر بلال فأذن وأمر أبو بكر فصلى بالناس ثم إن رسول الله وجد خفة فقال انظروا لي من اتكئ عليه فجاءت بريرة ورجل آخر فاتكأ عليهما فلما رآه أبو بكر ذهب لينكص فأوماً إليه أن يثبت مكانه حتى قضى أبو بكر صلاته ثم إن رسول الله قبض فقال عمر والله لا أسمع أحدا يذكر أن رسول الله قبض إلا ضربته بسيفي هذا قال وكان الناس أميين لم يكن فيهم نبي قبله فأمسك الناس فقالوا يا سالم انطلق إلى صاحب رسول الله فادعه فأتيت أبا بكر وهو في المسجد فأتيته أبكي دهشاً فلما رأني قال أقبض رسول الله قلت إن عمر يقول لا أسمع أحدا يذكر أن رسول الله قبض إلا ضربته بسيفي هذا فقال لي انطلق فانطلقت معه فجاء هو والناس قد دخلوا على رسول الله فقال يا أيها الناس أفرجوا لي فأفرجوا له فجاء حتى أكب عليه ومسه فقال (إنك ميت وإنهم ميتون) ثم قالوا يا صاحب رسول الله أقبض رسول الله قال نعم فعلموا أن قد صدق قالوا يا صاحب رسول الله أيصلي على رسول الله قال نعم فقالوا يا صاحب رسول الله أيصلي على رسول الله قال وكيف قال يدخل قوم فيكبرون ويصلون ويدعون ثم يخرجون ثم يدخل قوم فيتكبرون ويصلون ويدعون ثم يخرجون حتى يدخل الناس قالوا يا صاحب رسول الله أيدفن رسول الله قال نعم قالوا أين قال في المكان الذي قبض الله فيه روحه فإن الله لم يقبض روحه إلا في مكان طيب فعلموا أن قد صدق ثم أمرهم أن

يغسله بنو أبيه واجتمع المهاجرون يتشاورون فقالوا انطلق بنا إلى إخواننا من الأنصار ندخلهم معنا في هذا الأمر فقالت الأنصار منا أمير ومنكم أمير فقال عمر بن الخطاب رضي الله عنه من له مثل هذه الثلاثة ثاني اثنين إذ هما في الغار إذ يقول لصاحبه لا تحزن إن الله معنا من هما قال ثم بسط يده فبايعوه وبايعه الناس بيعة حسنة جميلة

Солим ибн Убайддан ривоят қилинади, у зот саҳобалардан бўлган эканлар, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом ўлим тўшагида ётганларида, бир вақт хушларидан кетиб қоладилар, сўнг хушларига келиб, намоз вақти кирдимиз? - дейдилар. Ҳа! –деб *-атрофларида турган кишилар-* жавоб қилишди. Шунда у зот, Билолга айтишлар! азон айтсин! Абу Бакр эса одамларга- *ровий шак қилиб-* ёки одамлар билан имом бўлиб намоз ўқиб берсин! –дедилар". Ровий айтадиларки: "Кейин яна хушларини йўқотдилар. Бир оздан сўнг ўзларига келиб, -намоз вақти бўлдими? –дедилар. -ҳа! –дейишди одамлар.

-Билолга айтишлар! азон айтсин! Абу Бакр эса одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсин! -дедилар. Шунда Оиша онамиз айтдиларки: Отам жуда кўнгиллари бўш одамлар. Агар сизнинг ўрнингизда турсалар, ўзларини йиғидан тутиб тура олмайдилар. Бошқа бировга буюрсангизчи? Сўнг яна хушларидан кетиб қолдилар. Бир оздан сўнг, ўзларига келиб, Билолга айтишлар! азон айтсин! Абу Бакр эса одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берсин! Сизлар худди Юсуфнинг соҳибаларига ўхшайсизлар! –дедилар".

-Мулла Али қори айтадиларки: *"Юсуфнинг соҳибалари кўплик сийғасида келган бўлсада ундан мақсад Зулайҳодир. Унга ўхшатилаётган ҳам бир киши бўлиб, у Оиша онамиздирлар. Ташибеҳдан мақсад Зулайҳо ҳақида шаҳарда шов-шув тарқатаётган аёллар олдида, Зулайҳо ўзини маломатдан поклаш учун, уларни меҳмон қилиб уйига чақириб, Юсуф алайҳиссаломнинг жамолларини уларга кўрсатиши мақсадиди, Юсуф алайҳиссаломни улар олдиларига чиқарган эди. Оиша розияллоҳу анҳо ҳам Пайғамбар алайҳиссалом ўтиб кетганларидан кейин, одамлар Абу Бакр розияллоҳу анҳунини бу мақомда туришларини маломат қилмасликлари учун, Пайғамбар алайҳиссаломдан намозда имом бўлишига бўлган, бу буйруқни, қолаверса, умматга Пайғамбар халифаси бўлишларини таъкидлаб олган эдилар. Ҳатто бу маънода Оиша розияллоҳу анҳонинг тилларидан аниқ хабар ҳам келган. Яъни мен буни қасддан Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраб олган эдим!- деган эдилар".*

Ровий айтадиларки: "Билолга хабар қилинди, у азон айтди. Абу Бакр эса жамоатга имом бўлди. Кейин Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини оз-моз енгил ҳис қилиб, ким бор мен билан қўлтиқлашгани -дедилар. Барира ва яна бошқа биров келди. Пайғамбар алайҳиссалом уларга таяниб оёққа турдилар. Абу Бакр у зотни кўриб қолиб, дарҳол меҳробдан ўзларини ортга олмоқчи бўлдилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом ўрнингдан қимирлама! -дегандай ишора қилдилар. Кейин эса Абу Бакр намозни –*жамоатга имом бўлиб-* тугатдилар.

Сўнг Росулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам, бу фоний дунёдан кўз юмдилар. Вафот этганларидан кейин Умар айтдиларки: "Оллоҳга қасамки, агар кимдан Пайғамбар алайҳиссалом ўлдилар! -деганини эшитсам, шу қиличим билан калласини танасидан жудо қиламан". Маълумки араблар саводсиз халқ бўлиб, уларда Муҳаммад алайҳиссаломдан аввал биронта ҳам пайғамбар чиқмаган эди. Шунинг учун улар нима қиларларини билмай, ҳайрон бўлиб, бирор нарса -дегани ҳам тиллари бормади. Сўнг эй! Солим дарҳол Росулulloҳ саллalloҳу алайҳи васалламни соҳибларига бориб, у зотни чақириб кел. –дейишди. У айтадики: Мен шу заҳотиёқ Абу Бакрнинг ҳузурларига бордим, қарасам у киши масжидда эканлар. Олдиларига йиғлаган ҳолда кирдим. Мени кўрган заҳотиёқ, Пайғамбар алайҳиссалом вафот қилдиларми? –деб юбордилар. Мен айтдимки: Умар, Кимки Росулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам ўлдилар! -деётганини эшитсам, шу қиличим билан бошини танасидан жудо қиламан. –деятдилар. Абу Бакр, қани юр! мен билан бирга! -дедилар. Мен у киши билан бирга йўлга тушдим. Борсак, Росулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам ҳузурларида, катта аламон тўпланиб турган экан. Абу Бакр одамларга қарата,
-эй! Одамлар менга йўл беринглари! –дедилар. Одамлар у зотга йўл бўшатдилар. Абу Бакр Пайғамбар алайҳиссалом олдиларига келиб, Пайғамбар зотни бағриларига босдилар, пешоналаридан ўпдилар, сўнг ушбу оятни ўқидилар:

إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُمْ مَيِّتُونَ
النزم 30

30. (Эй Муҳаммад), ҳеч шак-шубҳасиз сиз ҳам ўлгевчидирсиз, улар ҳам ўлгевчидирлар

-Одамлар эй! Пайғамбар алайҳиссаломнинг соҳиблари! Росулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам вафот қилдиларми? –дедилар.

– Ҳа! –дедилар Абу Бакр. Шундан кейин ҳақиқатни тушунишди.

–Мулла Али қори айтадиларки: "Одамларнинг ҳеч иккиланмай Абу Бакрнинг сўзларига ишониб кетишларига сабаб, чунки у зот ҳаётларида бирор марта ёлгон сўзламаган эдилар". Кейин эса,

-эй! Росулulloҳнинг соҳиблари Пайғамбар алайҳиссаломга жаноза ўқиймиз? – дейишди.

-Ҳа!

- Жаноза қандай бўлади?

- Бир гуруҳ одамлар у зот ҳузурларига кириб, жаноза ўқийдилар, сўнг, у зот ҳақиқатларига дуолар қилиб, чиқиб кетадилар. Кейин эса, яна бошқа қавм ҳузурларига кириб, такбир айтадилар ва жаноза намози ўқиб, дуолар қиладилар, сўнг чиқиб кетадилар. Шу тарзда ҳамма одамлар кириб чиқадилар.

-Эй! Росулulloҳнинг соҳиблари Пайғамбар алайҳиссалом дафн қилинадиларми?

-Ҳа!

-Қаерга дафн қилинадилар?

-Оллоҳ у зотни жонларини олган ўринга. Чунки Оллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломнинг руҳларини, албатта покиза ерда олгандир. Одамлар Абу Бакрнинг сўзларини тасдиқ қилдилар. Сўнг Абу Бакр Пайғамбар алайҳиссаломни

аммакиваччаларига у зотни ювишга буюрдилар. Шу аснода муҳожирлар бир-бирлари билан маслаҳат қилишиб, келинлар! Ансорий биродарларимиз олдиларига бориб, уларни ҳам бу масалага қўшайлик! Ансорлар, амир бизлардан ҳам ва сизлардан ҳам танланади.-дедилар. Умар айтдиларки: Кимда манабундай учта хислат бор?-деб ушбу оятни ўқидилар:

ثَانِي اثْنَيْنِ إِذْ هُمَا فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَحْزَنْ إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا

Ўшанда икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: "Ғамгин бўлма, албатта Оллоҳ биз билан биргадир".

-Ким бу иккиси?-деб, сўнг қўлларини чўзиб Абу Бакрга байъат қилдилар. Кейин одамлар ҳам, Абу Бакрга байъат қилдилар. Байъат жуда гўзал бўлди".

Изоҳ: Ўрталарида гапиришга арзуғули ихтилоф ҳам содир бўлмади. Чунки бошқа ҳадисларда келишича, Пайғамбар алайҳиссалом ўлим тўшақларида ётганларида қоғоз ва қалам келтиришларига буюрдилар. Кейин эса қоғоз ва қаламни ташлаб, Оллоҳ ва мусулмонлар, Абу Бакрдан бошқасига рози бўлмайдилар! –дедилар. Яъни ўзларидан кейин Абу Бакрни, умматнинг бошига халифа этиб тайинламоқчи бўлган эдилар. Лекин одамларнинг ҳаммаси Абу Бакрга рози бўлиб, у зотга умматдан ҳеч бировни тенг қилмасликларини билганликлари учун, халифаликни ёзиб тайинлаб ўтирмадилар. Пайғамбар алайҳиссалом ўйлаган гумон тўппа-тўғри чиқди. Чунки у зот, Оллоҳ таолонинг хабар беришича, ўзларидан эмас, балки ваҳий орқали сўзлайдилар.

397 – حدثنا نصر بن علي ثنا عبد الله بن الزبير شيخ باهلي قديم بصري ثنا ثابت البناني عن أنس بن مالك قال لما وجد رسول الله من كرب الموت ما وجد قالت فاطمة رضي الله تعالى عنها واكرهه فقال النبي لا كرب على أبيك بعد اليوم إنه قد حضر من أبيك ما ليس بتارك منه أحدا الموافاة يوم القيامة

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўлим сакаротларини татиётган дамларда, фотима онамиз эй! отамнинг мусибатлари -дедилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом отанга бу кундан кейин, қайғу йўқ! ҳозир отангнинг бошига, ҳеч ким қутилиб кетиши мумкин бўлмайдиган нарса тушди. Энди қиёматда учрашамиз".

Изоҳ: Баъзилар бу охириги лафзни яъни қиёматда учрашамиз дейишни ўрнига "ўлим қиёмат демакдир"- деб ҳам тафсир қилишган эканлар.

398 – حدثنا أبو الخطاب زياد بن يحيى البصري ونصر بن علي قالا حدثنا عبد ربه بن بارق الحنفي

قال سمعت جدي أبا أبي سماك بن الوليد يحدث أنه سمع ابن عباس رضي الله تعالى عنهما يحدث

أنه سمع رسول الله يقول من كان له فرطان من أمتي أدخله الله تعالى بهما الجنة فقالت عائشة رضي الله عنها فمن كان له فرط من أمته قال ومن كان له فرط يا موفقة قالت فمن لم يكن له فرط من أمته قال فأنا فرط لأمتي لن يصابوا بمثلي

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади, у киши Пайғамбар алайҳиссаломдан эшитган эканлар, айтадиларки: "Умматимдан кимнинг икки фарати –яъни киши икки жигар гўшасидан ажралиб, бу фарзандлари ундан олдин охиратга равона бўлиб, уни келишини кутиб турган - бўлса, шу сабабдан Оллоҳ таоло уни жаннатга киргизади. Оиша розияллоху анҳо,

-Умматингизда бир фаратли –яъни бир жигар гўшасидан ажралган- киши бўлсачи?
-Битта бўлса ҳам эй! Оллоҳ тавфиқ бергур! -дедилар Пайғамбар алайҳиссалом. Оиша онамиз

-Бундай фаратсиз -ҳолатда бўлмаган- кишиларчи? -дедилар. Шунда Росулulloҳ саллаллоху алайҳи васаллам, мен уларнинг фаратиман –қиёмат куни уларни кавсар ҳавузи олдида кутиб оламан!- чунки улар мендан ажралишдан кўра, каттароқ мусибат татимаганлар".

Ҳа! албатта у зотнинг дунёдан ўтишлари, умматнинг бошига келган балоларнинг энг каттасидир. Оллоҳ таоло барча мўъмин-мўъминаларга, у зот билан учрашини насиб этсин!.

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين